

Инсонлар Аллоҳ таолонинг ер юзидаги гувоҳларидир



06:00 / 25.04.2023 2389

Ислондаги энг афзал ибодат, таҳорат қилмай, қиблага юзланмай, пул сарфламай бажариш мумкин бўлган энг енгил тоат Аллоҳни зикр қилишдир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

قُلْ خَيْرٌ لَّيْفَ نَوْرِكْفَتَيِّوْ مَوْبُوْنُجَ كَلَعَوْ اَدُوْعَقَوْ اَمَ اِيْقَوْ لَلْا نَوْرُكُدَي نَي دِلْا
رَّ اَنْ لَلْ اَبَادَع اَنْ قَفَ كَنْ اَحْبُ سَّ اَلْ طَاب اَدَهْ تَقَلْ خ اَم اَنْ بَرَّ صُرَّ اَلْ اَوْت اَو اَمَّ سَلْا

“Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида эслайдиган,

**осмонлару ернинг яратилишини тафаккур қиладиганлар:
“Роббимиз, буни бекорга яратганинг йўқ, Ўзинг поксан, бизни ўт азобидан сақлагин” (Оли Имрон сураси, 191-оят)**

Аллоҳ таолони кўп зикр қилувчиларга саломатлик бўлсин!

Дин муомалада ҳам кўриниши керак

Дин фақат намоз ўқиётганда, рўза тутаетганда эмас, балки олди-сотди, шариатга мувофиқ келишувлар, берилган ваъдалар, аҳдлар, одамлар билан кўришганда, идораларда навбат кутганда, бемор кўргани борганда, деҳқончиликда ва ҳоказо ўринларда ҳам кўриниши керак.

Шундай қилиб, инсонлар Аллоҳ таолонинг ер юзидаги гувоҳларидир. Ҳар бир инсон бу дунёда қилган амалининг ҳосилини охиратда йиғиб-териб олади.

**Бахтиёр бўлишингиз, муваффақиятга эришингиз, юксалишингиз,
нажот топишингиз учун сизга қуйидаги тўрт насиҳатни айтаман:**

1. *Намозга эътиборли бўлинг!*

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

نَبِّهْذِي تَانَسَخْ لَانِ لِيْلِيْلَانِمْ اَفَلْزَوِ رَاهَن لِي فَرَطَ ءَالِصِلَا مِقْأَو
نِيْرِكْ اَذَل لِي رِكْ ذَلِكْ ذَاتِ اَيِّيْ سِلَا

“Кундузнинг икки тарафида ва кечанинг бир бўлагида намозни тўкис адо қил! Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказади. Бу эса, эсловчиларга эслатмадир”. (Уламоларимиз ояти каримадаги “Кундузнинг икки тарафида” адо қилинадиган намоз бомдод, пешин ва аср намозлари, “кечанинг бир бўлагида” адо этиладиган намоз шом ва хуфтон намозлари, дейишган. Мўмин киши томонидан қилинган ҳар бир яхши иш ёмонликларни кетказади. Намоз ўша яхшиликларнинг гултожидир. Ушбу оятда оғир ва аҳамиятли ишларни қилишда, Аллоҳнинг амрига бўйсунушда, кўрсатган йўли ва йўллаган динида мустақийм туришдек масъулиятли ишда намоз ва яхшилик қилиш ила олдинга йўл очишга ундаш бор.) (Ҳуд сураси, 114-оят)

2. Қуръонни тиловат қилинг!

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

قَلِّحْ يَدِّ لِكُلِّ مَسَابٍ اَرْقَا

“Яратган Роббинг номи билан ўқи” (Алақ сураси, 1-оят)

3. Тасбеҳ айтинг!

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

اَبَاوَتَنَا كُنَّا نَرْفَعُ تَسْبِيحًا وَكُلِّبْنَا بِرَدْمِ حَبِّ سَفَا

“Бас, Роббингни поклаб ёд эт ва Унга истиғфор айт. Албатта, У тавбаларни кўплаб қабул этувчидир” (Наср сураси, 3-ояти)

4. Гўзал муомалали бўлинг!

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

اِنَّ سُوْحَانَ لِّلْاُولُوْقَو

“Одамларга яхши гаплар айтинг” (Бақара сураси, 83-оят)

**Доктор Оиз Қарний саҳифаларидан
Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**